

ISSN: 2545-0573

ИСЛОМНИНГ ИЛК ДАВРЛАРИДА ЗУХД (АСКЕТИЗМ)ГА ОИД АСАРЛАР ТАҲЛИЛИ

Гулнора Худойберганова

*Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси катта ўқитувчиси
Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон, Тошкент*

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Ислом, зуҳд, зоҳид, мақомот,
ханиф, зуҳд мактаблари, тасаввуф.

Аннотация

Мазкур мақолада ҳижрий I-II асрларда кузатилган зоҳидлик ҳаракатлари ҳамда зуҳд мавзусига бағишланган асарлар ҳақидаги маълумотлар даврий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

VII асрда Арабистон яриморолида вужудга келиб, тез орада Осиё, Африка ва Европанинг кўплаб ўлкаларига ёйилган ислом дини ушбу минтақалар халқларига нафақат янги эътиқод шакли, балки янгича турмуш тарзи, янгича ижтимоий муносабатларни ҳам олиб кирди.

Ислом таълимоти доирасида шаклланган зоҳидлик бир томондан моддий неъмат, хою ҳаваслардан воз кечиш, иккинчидан ўзини паст тутишга уриниш сифатида намоён бўлган амалий ва фикрий жараён дир.

“Зуҳд” сўзининг луғавий маъноси турли қомусий луғатларда турлича талқин этилади. Жумладан, “Лисону-л-араб” қомусий луғатида берилган таърифга кўра: “зуҳд – фақат дунё ишларида бўлиб, у хоҳиш ва дунёга ҳирсининг зиддидир”, дейилади¹.

Ал-Мунжид қомусида эса: “Зуҳд – бирор нарсани ёмон кўриш ва тарк этишдир. Дунёда зоҳидлик дегани, дунёдан ибодат учун воз кечиш, деганидир”, дея таъриф берилади².

Истилоҳий маънода эса “ал-Мавсуа ас-суфия” қомусига кўра, “зуҳд – қўл топинган нарсдан қалбни мосиво қилишдир”³. Шунингдек, зуҳд – исломнинг асосий маънавий тушунчаларидан бири бўлиб, луғатда безътиборлик, моддий манфаатга бефарқ бўлиш, умумий маънода эса Худонинг марҳаматига мушарраф бўлиш, жаннатга эришиш учун таркидунё қилиш, дунёвий лаззатлардан воз кечиш маъноларини билдиради⁴.

Ўрта асрга оид манбаларда ҳам зуҳднинг таърифига доир кўплаб матнларни учратиш мумкин. Масалан, юртимиздан етишиб чиққан бухоролик машҳур мутасаввиф Абу Бакр Калабодий (ваф.

¹ Лисонул араб. – Байрут.: Дарус содир, 1997. – Б.207.

² Ал-Мунжид фи луғати ва аълам.– Байрут.: Дарул машрик, 1986. – Б. 307-308.

³ Қаранг: Ал-мавуа ас-суфия. –Қоҳира: Мактаба мадбули, 2006. – Б. 1009.

⁴ Петросян А.Р. Ислам. Энциклопедический словарь. М.: Наука, 1991. – С. 80.

990/995) ўзининг “ат-Таъарруф” асарида комилликка етишишнинг ўн етти босқичини санаб ўтади, шулардан “зуҳд”ни “тавба” мақомидан кейин иккинчи ўринда келтиради⁵. Мазкур асарнинг 36-бобида зуҳд ҳақида қуйидаги фикрлар билдирилади: “Зуҳд – қўлни мол дунёдан, қалбни эса (дунё матоҳларига) эргашишдан холи қилишдир. Шиблийдан зуҳд ҳақида сўралганда, у шундай жавоб берди: “Чивиннинг қанотидан кичик нарсалардан ҳам зуҳд қилмаганга вайл бўлсин. Ҳақиқий мазмунда зуҳд бўлмайди, ўзингда йўқ нарсага зуҳд қилмаслигинг зуҳд эмас, ўзида бор нарсдан зуҳд қилса, у ҳам зуҳд эмас, бу фақат нафснинг тасаллисидир, гўёки зуҳд қилгандек”⁶.

Абу Бакр Калабодийнинг шогирди Мустамлий Бухорийнинг (ваф. 434/1043) “Шарҳ ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф” асарининг зуҳдга бағишланган бобида: “Муридлар мақомлари ичида биринчи мақом ҳам зуҳддир”⁷, дейди. Шунингдек, мақомлар ичида тавбадан кейин иккинчи ўринда санаб ўтилган зуҳдга қуйидагича таъриф берилади: “Зуҳд (ўзини тийиш) – банданинг бу дунё ва унга тегишли бўлган барча нарсаларини ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, деб билиш маъносидан улардан воз кечиши. Зуҳднинг бир неча даражалари бўлиб, унинг биринчи даражаси мол-дунёдан воз кечиш, иккинчи даражаси кўнгилни таъмадан холи қилиш, охириги даражаси эса нафснинг бу дунёда фойдаланиш мумкин бўлган барча нарсдан лаззатланишини тарк этишдан иборат. Айрим зоҳидлар зуҳд деганда нафақат бу дунё ва унга тегишли бўлган барча нарсалар, балки у дунё ва унга тегишли бўлган барча нарсалардан ҳам воз кечиш, фақатгина Худо билан бирга бўлишни тушунишган”⁸.

Абу Толиб ал-Маккий (ваф. 386/996) эса “Қут ал-қулуб” асарида тўққиз мақомотни кўрсатиб, бу ерда “зуҳд”ни тавба, сабр, ризо, ражо ва хавфдан кейинги олтинчи ўринда санаб ўтади⁹.

Яна бир машҳур тасаввуф назариётчиси Абу Ҳафс Умар Сухравардий (ваф. 612/1234)нинг “Авориғ ал-маориғ” китобида тасаввуф, фақрлик ва зуҳд тушунчаларини фарқлаб кўрсатади. Жумладан, китобнинг “Тасаввуфнинг моҳияти” бўлимида шундай дейилади: “Тасаввуф – фақр эмас, зуҳд ҳам фақр эмас, тасаввуф – зуҳд эмас. Тасаввуф жамловчи исм бўлиб, “фақр” ва “зуҳд” сўзларини ҳамда бошқа сифат ва қўшимчаларни ўз ичига оладики, буларсиз киши суфий бўла олмайди, гарчи у зоҳид ва фақир бўлсин.....Фақир ва зоҳид сулукда ўз куч ва иродалари билан юрадилар, илмлари етганича ғайрат қиладилар. Ваҳоланки, суфий – ўз нафсининг терговчиси, мустақил илмли, у ўз билганларига таяниб қолмайди, Роббисининг муроди учун қоим туради, ўз муроди учун эмас”¹⁰.

Шайх Нажмиддин Кубронинг (ваф. 589/1221) “Усули ашара” асарида Аллоҳга элтувчи йўлларнинг иккинчиси “зуҳд” деб кўрсатилади: “Зуҳд хоҳ оз, хоҳ кўп бўлсин – дунё моли, кўнгилга манзур нарсаларию мақомларидан ўлик каби йироқлашмоқдир. Зуҳд қўлда мавжуд ва мавжудлиги маҳзур саналмаган мол-ашёдан кечмоқдир”¹¹.

Ибн Қаййим Жавзий (ваф. 751/1350)нинг “ал-Фаваид” асарида зуҳдни қуйидаги тоифаларга ажратади:

⁵ Камол ад-дин Абд ар-Раззоқ ал-Кашаний. Латаиф ал-аълам фи ишарат аҳл ал-илҳам. Техрон. : Меросе Мактуб, 2000. - Б. 44

⁶ Абу Бакр Калабодий. “Китаб ат-таъарруф ли мазҳаби аҳл ат-тасаввуф”. – Қоҳира, 1994. – Б. 65

⁷ Мустамлий Бухорий. Шарҳ ат-Таъарруф. 3-р. –Дорул кутуб ал-илмийа, 2019. – Б. 1219.

⁸ Қаранг: Рахимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Т.: Академнашр, 2020. – Б. 46.

⁹ Камолуддин Абдурраззоқ ал-Кашаний. Латаиф ал-аълам фи ишарат аҳл ал-илҳам. Техрон.: Меросе Мактуб, 2000. – Б. 44

¹⁰ Сухравардий. Авориғ. - Қоҳира, Мактаба сақофа дийнийя, 2006. – Б. 65.

¹¹ Шайх Нажмиддин Кубро. Усули ашара. Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 47

1. ҳаромдан зуҳд қилиш – фарзи айн;
2. шубҳали нарсалардан зуҳд қилиш (бунда шубҳанинг мартабалари инобатга олинади, шубҳа кучли бўлса, вожиб зуҳд, агар кучсиз бўлса, мустаҳаб зуҳддир);
3. бекорчи гаплардан ва назарлардан тийилиш, яъни одамлар ва нафсга қарши зуҳд қилиш. Чунки нафс инсонни Аллоҳга боғланишга тўсқинлик қилади;
4. Аллоҳдан бошқа барча нарсалардан зуҳд қилиш, яъни Аллоҳдан чалғитадиган барча нарсалардан тийилиш. Энг афзал зуҳд уни яширишдир, энг қийин зуҳд – фаровонликдан (тўкин-сочинликдан) зуҳд қилишдир¹².

Юқоридаги каби зуҳдга таъриф ва тавсиф бериш билан чекланган китоблар билан бир қаторда, ислом оламида зуҳдга оид амалий йўриқнома шаклидаги китоблар ҳам яратилган. Шулар сирасида Ҳорис Муҳосибийнинг (ваф. 857) “ал-Масоил фи-з-зуҳд ва ғойриҳи (Зоҳидлик ва бошқалар ҳақидаги масалалар)” асарини бунга мисол қилиш мумкин¹³.

Зуҳд ҳақидаги қарашлар тизимлашиб бориши баробарида, мавзуга оид адабиётлар ҳам таълиф этила борди. Жумладан, ислом дунёсида яратилган илк ҳадис тўпламларида ҳам зуҳд мавзусига алоҳида эътибор берилган. Ўрта асрларда тасаввуф уламолари томонидан юзга яқин асар таълиф этилгани қайд этилади, жумладан:

1. Аз-Зуҳд: Заида ибн Қудамма Куфий (ваф. 160/782);
2. Аз-Зуҳд ва-р-рақоик: Абдуллоҳ ибн Муборак Ханзалий Марвазий (ваф. 181/803);
3. Китаб аз-Зуҳд: Имом Маъофий ибн Имрон Мавсилий (ваф. 185/807);
4. Ар-Риқоик: Фузайл ибн Иёз (ваф. 187/809);
5. Китаб аз-Зуҳд: Имом Муҳаммад ибн Фузайл ибн Ғазвон Куфий (ваф. 195);
6. Китаб аз-Зуҳд: Вакийъ ибн Жарроҳ (ваф. 197/819);
7. Аз-Зуҳд: Абу Усмон Саид ибн Мансур Марвазий (ваф. 227/849);
8. Китаб аз-Зуҳд: Асад ибн Мусо (ваф. 212/854);
9. Аз-Зуҳд: Имом Абу Абдуллоҳ Аҳмад ан-Найсабурий (ваф. 234/856);
10. Аз-Зуҳд: Имом Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал (ваф. 241/863);
11. Аз-Зуҳд: Ҳаннод ибн Саррий (ваф. 243/865);
12. Китаб аз-Зуҳд: Ҳофиз Иброҳим ибн Жунайд (ваф. 260/882);
13. Аз-Зуҳд: Имом Абу Довуд (ваф. 275/897);
14. Ал-Вараъ: Муҳаммад ибн Наср Марвазий (ваф. 294/916);
15. Аз-Зуҳд: Муҳаммад ибн Аҳмад Ассол Исфаҳоний (ваф. 249/871) ва бошқалар¹⁴.

Шулар орасида энг машҳурлари Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий, Вакийъ ибн Жарроҳ ва Аҳмад ибн Ҳанбалнинг зуҳдга оид тўпламлари ҳисобланади.

Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийнинг “Китоб аз-зуҳд ва-р-рақоик” асари 16 бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим бир неча боблардан ташкил топган. Китобда жами 1627 та ҳадис жамланган. Биринчи бўлим боблари Аллоҳга итоат, дунёдан юз ўгириш учун илм

¹² Ибн Қайим Жавзий. Ал-фаваид. – Б.170

¹³ Қаранг: Ҳорис ал-Муҳосибий. Ал-масоил фи-з-зуҳд ва ғойриҳи. – Қоҳира, 1969.

¹⁴ Доктор Абдурахмон ибн Абдужаббор Фарявоний. “Саҳихи китаб аз-зуҳд ли имам ал-кабир Вакийъ ибн Жарроҳ” асари нашрининг кириш қисми. – Байрут, 1994. – Б.34-42

талаб қилиш ва бошқа масалаларга бағишланган. Абдуллоҳ ибн Муборак зоҳидлик ҳақида шундай дейди: “Энг афзал зуҳд – зоҳидликни яширишдир”¹⁵, яна унинг айтишича: “Зоҳидлик бутунлай таркидунё қилиш, ҳалол касбни тарк қилиш ва яхши ишларга нафақа сарфлашдан юз ўгириш эмас. Балки зоҳидлик – ҳаромни, шубҳали нарсаларни тарк қилиш, ҳар бир ҳалол ва мувоҳнинг ортиқчасидан воз кечишдир”¹⁶.

Вакийъ ибн Жарроҳнинг “Саҳиҳи китаб аз-зуҳд” асари ҳам зуҳд мавзусидаги ҳадисларни жамлаган муҳим манба ҳисобланади. Мазкур асар 70 бобдан иборат бўлиб, зуҳд мавзусида жами 332 та ҳадис келтирилган¹⁷.

Зуҳд мавзуси мазҳаб асосчиларининг қарашларида ҳам етакчи ўринда турган. Ҳанбалийлик мазҳаби асосчиси Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 241/855 й.) нинг “Китаб аз-зуҳд” асари аввалги жузида 12 пайғамбарлар (Муҳаммад (а.с.), Одам (а.с.), Нух (а.с.), Иброҳим (а.с.), Юсуф (а.с.), Айюб(а.с.), Юнус (а.с.), Мусо(а.с.), Довуд(а.с.), Сулаймон (а.с.), Лукмон(а.с.) Ийсо(а.с.)), зуҳдлари ҳақида хабар берувчи ҳадислар келтиради, асарнинг кейинги жузлари рошид ҳалифалар (Абу Бакр Сиддиқ (р.а.), Умар (р.а.), Усмон (р.а.), Али (р.а.)), машҳур саҳобалар (Абу Дардо (р.а.), Талха ибн Абдуллоҳ (р.а.), Абу Зарр (р.а.), Салмон Форсий (р.а.), Абу Ҳурайра (р.а.), Оиша (р.а.), Ҳузайфа бин Яман (р.а.), Муоз ибн Жабал (р.а.), Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.), Абдуллоҳ ибн Аббос(р.а.) ва б.к.), шунингдек, машҳур тобейлар (Увайс Қараний, Молик ибн Анас ва б.к.) зуҳдлари ҳақида маълумот беради.¹⁸

Машҳур “саҳиҳ” тўпламларида ҳам зуҳд мавзуси алоҳида бобларда ёритилган. Хусусан, Имом Муслим (ваф. 261/875) “Саҳиҳи”нинг “Зуҳд ва рикоиқ боби”да зуҳдга оид жами 55 та ҳадис 19 бобда шарҳланган¹⁹.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, зуҳдга оид тизимли қарашлар шаклланиши баробарида мазкур мавзуда махсус адабиётлар ҳам яратилган. Классик давр адабиётларининг деярли барчасида зуҳдга тегишли фасл (боблар) киритилган, хусусан, Калабодий, Қушайрий, Абу Толиб Маккий, Имом Ғаззолий каби олимларнинг тасаввуфга доир классик асарларида бу мавзуга алоҳида боблар ажратилган. Шунингдек, исломнинг илк даврларида зуҳд мавзусига оид ҳадисларни алоҳида жамлаш урф бўлган ҳамда зуҳд амалиётига доир мустақил йўриқномалар, зуҳд тавсифига оид китоблар ҳам таълиф этилган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ал-Мунжид фи луғати ва аълам.– Байрут.: Дарул машриқ, 1986.
2. Ал-мавсуа ас-суфия. –Қоҳира: Мактаба мадбули, 2006.
3. Лисонул араб. – Байрут.: Дарус содир, 1997.
4. Йилмаз К. Тасаввуф и тарикаты. – М.: САД, 2007.
5. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. Т. II. Институт восточных рукописей РАН. – М.: Наука, Вост. лит., 2016
6. Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999.
7. Абу Бакр Калабозий. “Китаб ат-таъаруф ли мазҳаби аҳл ат-тасаввуф”. – Қоҳира, 1994.
8. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. М., 1999.

¹⁵ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Зуҳд ва ҳаё. – Т.: “Hilol-nashr”, 2019. – Б. 79.

¹⁶ Ўша асар. – Б. 80.

¹⁷ Вакийъ ибн Жарроҳ. Саҳиҳи китаб аз-зуҳд /Доктор Абдурахмон ибн Абдужаббор Фарявийи нашри. – Байрут, 1994. – 158 б.

¹⁸ Аҳмад ибн Ҳанбал. Китаб аз-зуҳд /Доктор Муҳаммад Жалол Шарифи нашри. – Байрут, Дарул нахзатул арабийя, 1981.

¹⁹ Қаранг: Саҳиҳи Имом Муслим. – Риёд, 2018. – 521 б.

9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Зухд ва ҳаё. – Т.: “Нилol-nashr”, 2019.
10. Хасанов А. Макка ва мадина тарихи. – Т.: Меҳнат, 1992.
11. Ҳаққул, Иброҳим. Тасаввуф: тарих, моҳият ва тадқиқ талаблари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.:2017. №4.
12. Usmonov, Ibrohim (2018) "Muslim altruism ideas in the scientists' writings of Maverannahr," The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1, Article 4.Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/4>
13. Насыров И.Р. Основания исламского мистицизма. Генезис и эволюция. Том 1. М.:2009.
14. Кныш А.Д. Ат-Тасаввуф. //Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991.
15. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф. Акимушкина. – М.: Наука, 1989.
16. Рахимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Т.: Академнашр, 2020.
17. Петросян А.Р. Ислам. Энциклопедический словарь. М.: Наука, 1991. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 с.
18. Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма.– М.:Наука, 1987. –190 с.
19. G.Khodayberganova. Анализ феномена аскетизма в учениях мировых религий. Theoretical & Applied Science, 579-58
20. G Khodayberganova. Asceticism in world religious traditions. The Light of Islam 2018 (4), 23-28